ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 94(575.1)

АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ФАРҲОД ГЭСИ ҚУРИЛИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

А. Мамажонов

Мақолада Фарҳод ГЭСи қурилишига андижонликларнинг қўшган ҳиссаси масалага оид адабиётлар таҳлили, даврий нашрлар, архив материаллари асосида очиб берилган. Фарҳод ГЭСининг қурилишини заруратга айлантирган омиллар кўрсатилган, ушбу станция қурилишида иштирок этган юртдошларимиз ҳақида маълумотлар берилган. Фарҳод ГЭСининг бугунги кундаги стратегик аҳамияти хусусида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: *гидроэлектростанция, «Халқ қурилиши», умумхалқ ҳашари, ҳарбий иқтисодиёт, сафарбарлик.*

В статье раскрывается вклад андижанцев в строительство Фархадской ГЭС на основе анализа соответствующей литературы, периодических изданий, архивных материалов. Выявлены факторы, обусловившие необходимость строительства Фархадской ГЭС, даны сведения о земляках-андижанцах, участвовавших в строительстве этой станции. Отмечается современное стратегическое значение Фарходской ГЭС

Ключевые слова: *гидроэлектростанция, «Народное строительство», народный хашар, военная экономика, мобилизация.*

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқ хўжалиги барча тизимларини тубдан ўзгартириб юборди. Уруш муносабати билан бутун мамлакат учун умумий сафарбарлик эълон қилинди.

Ўзбекистон Совет Иттифоқининг ҳарбий иқтисодиётида муҳим ўрин тутганлиги, республикадан фронтга одам ва моддий ресурслар етказиб берувчи, стратегик хомашё ва турли жанговар техника, қурол-яроғлар, ўқ-дори ва анжомлар етказиб берувчи энг муҳим ҳудудга айланди.

«Уруш бошланиши биланоқ қисқа муддат ичида маҳаллий саноат ҳарбий изга кўчирилди ҳамда Россия, Украина, Белоруссия, шунингдек, СССРнинг бошқа минтақаларидан кўчириб келтирилган 100 дан ортиқ саноат корхоналари жойлаштирилиб, ишга туширилди. Ўзбекистонликлар ҳаракатдаги армияни барча зарур нарсалар билан таъминлаш учун кўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар» [1. Б. 199].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда «Инсоният тақдири ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди.

«Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – Ғалаба учун!» деган ғоя эл-юртимизнинг ҳаётий эътиқодига айланди. Халқимиз туну кун тинимсиз меҳнат қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон захираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди» [2] деган фикрлари билан ўзбек халқининг фронт ва фронтортида кўрсатган мардонавор кураши, фидокорона меҳнати маҳсули эканлигини кўрсатади.

Уруш йилларида одамлар фақат уруш хаёли билангина яшамадилар, аксинча, эртани ўйлаб, мамлакатнинг урушдан кейинги истиқболини назарда тутган ҳолда фаолият юритдилар. Жумладан, улар «Даштларга йўл очдилар, сув йўллари очдилар, дарёларда тўғонлар кўтариб, гидроузел қурдилар. Урушнинг дастлабки йилларида Шимолий Тошкент канали, Юқори Учқўрғон канали, Каттақўрғон сув омбори битказилиб ишга туширилди» [3. Б. 131].

Бунга қадар 1939 йили республикада, хусусан, Андижонда Катта сув учун халқ ҳаракати авж олди. «45 кун ичида узунлиги 270 км бўлган Катта Фарғона канали қурилиб ишга туширилди. Канал қурилишида Андижон халқи, айниқса, колхозчи деҳқонлар фаол иштирок этдилар» [4. Б. 317].

Уруш йилларида немислар вақтинча босиб олган ҳудудлардаги саноат корхоналарининг республикамизга кўчириб келтирилиши туфайли мамлакат индустрияси тараққиёти учун гидроэлектр станциялар қуриш билан энергетика базасини кучайтиришга зарурат туғилди. Шуни ҳисобга олиб «1942 йил ноябрда Совет ҳукумати Ўзбекистонда яна қўшимча 5 та электр станция (1-,2-Оққовоқ, Салор, Қуйи Бўзсув, Фарҳод ГЭСи) қуриш ҳақида қарор қабул қилди» [5. Б. 408].

Шу билан бирга, Компартия Марказий Комитети ЎзССРдаги ирригацион қурилиш ишларига юқори баҳо бериб, 1939 йил 27 декабрда «Пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда 6 йил ичида ғўза экинлар майдонларини 430 минг гектарга етказиш кўзда тутилди. 1941–1943 йилларда Шимолий Тошкент канали қурилди. У 15 минг гектар ерни суғоришга имкон берди. Фарҳод ГЭСи қурила бошланди [6. Б. 408].

Фарҳод гидроэлектрстанциясининг энергиясидан Тошкент саноат узелини таъминлаш учун, шунингдек, Мирзачўл ерларини суғориш учун фойдаланиш назарда тутилган эди. Шуни ҳисобга олиб «Республика партия ташкилотлари ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг Ўзбекистонда янги саноат қурилиши тўғрисидаги қарорини амалга ошира бориб, 1943 йилда фақат Бўзсув дарёсида тўртта гидроэлектр станция ва Ўрта Осиёда катталиги жиҳатдан мамлакатда учинчи ўринда турадиган Фарҳод ГЭСини қуриш вазифалари белгиланди» [7. Б. 408].

Ана шулардан келиб уруш фронтларида иштирок этиш ва мамлакат ичкарисида қаҳрамонона меҳнат қилиш билан фашистлар Германияси устидан ғалаба қозониш ишига катта ҳисса қўшиш кераклиги уқтирилди, ҳамда Республикамизда юқоридаги қарорга асосланиб, «шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини Фарҳод ГЭСи қурилишига ва бошқа янги иншоотларга сафарбар қилиш ишлари амалга оширилди» [8. Б.384].

Ўзбек халқининг, жумладан, андижонликларни ана шундай мислсиз фидокорона меҳнатларини Фарҳод ГЭСи қурилиши мисолида кўриш мумкин. Республикамизнинг индустриал тараққиёти ГЭСлар қуриш билан энергетика базасини кучайтириш кўзда тутилган эди.

«Фарҳод ГЭСи Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи томонидан амалга оширилган буюк, оғир, машаққатли меҳнат эвазига бунёд этилган ирригация иншоотларидан биридир. Фарҳод ГЭС қурилиши 1943 йил февраль ойида бошланган. Қурилишда Ўзбекистоннинг ҳамма область, районларидан келган 70 минг колхозчи – қурувчилар иштирок қилдилар. Тупроқ ишлари ўта қийин шароитларда амалга оширилган.

Қурувчиларнинг асосий қисми ертўлаларда яшар эдилар, баҳорнинг серёғин келишига қарамай юпун кийинган ярим оч, усти шалаббо ҳўл қурувчилар ҳақиқий жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар» [9. Б. 70].

«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленуми Фарҳод ГЭСи қурилишининг 1943 йилги кузги режа топшириқларини бажаришга ёрдам кўрсатиш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, қурилиш суръатларини ошириш масаласини қўйди, барча партия ташкилотларига қурилиш ишига ҳар томонлама ёрдам бериши, уни ишчи кучлари, зарур анжомлар ҳамда қурилиш материаллари билан таъминлаш вазифалари топширилди» [10. Б. 467].

Қуйида республика саноати ривожида электр энергиянинг аҳамиятини чуқур англаган ва электрлаштиришни умумхалқ ҳашари деб билиб, меҳнатда жасорат кўрсатган айрим вакиллар ҳақида маълумот берамиз.

Шодмонов Юсупжон – 1912 йили Фарғона область, Фарғона районидаги Маян қишлоқ советида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта махсус, 1942 йил сентябрда ВКП(б) аъзоси бўлган. Урушга боргунга қадар 1934–1935 йилларда Андижон район Ер-сув ишлари бўлими масъул котиби, 1934–1938 йилларда Андижон шаҳар чорвачилик мактаби директори, 1938–1942 йилларда Андижон район Ер-сув ишлари бўлими бошлиғи, Андижон район ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, кейинча 1-МТС директори. 1942 йил 1 октябрдан 1943 йил 1 сентябргача Марказий фронт миномётчилар бригадасида лейтенант, сиёсий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари бўлган. 1943 йил март ойида яradор бўлиб,контузия бўлган ва 1943 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. Урушдан қайтгач,1943-1944 йилларда Андижон область

ижроия кўмитаси чорвачилик ишлари бўйича раис ўринбосари, 1944 йил 1 февралдан 15 августгача Фарҳод ГЭСи қурилиши ўнг қирғоқ объектининг сиёсий ишлар бўйича бўлим бошлиғи ўринбосари, 1944 йил 15 августдан Андижон область ижроия кўмитаси раиси лавозимида ишлаган.

1945 йили Ўзбекистон ССР ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг фармонига асосан «Меҳнат Қизил байроқ» ордени, ғаллачиликдаги режаларни бажаргани учун «Ҳурмат белгиси» ордени, «1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, 1946 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941–1945 йилларда «Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган [11].

Иминов Мадамин – 1906 йил апрелда Ленин районидаги Ўзбекистон қишлоқ совети Куйбишев номли колхозда камбағал оилада туғилган, ўзбек, 1943 йил августда ВКП(б) аъзоси бўлган. 1939–1942 йилларда Ленин район сув хўжалиги бўлими гидротехниги, 1942–1943 йиллар Карл Маркс номли колхоз раиси, 1943 йил сентябрь ойидан 1944 йил декабрь ойига қадар Фарҳод ГЭСи қурилишида катта бригадир вазифасида ишлаган [11].

Казакова Анна Фоминичка – 1924 йил 30 майда Куйбишев ўлкаси Телек районида ишчи оиласида туғилган, рус, партиясиз.1940–1943 йилларда Андижон область сув хўжалиги бошқармасида бухгалтер, 1943–1944 йилларда Фарҳод ГЭСи қурилиши Хилкова станцияси қурилиш бошқармасида десятник вазифасида ишлаган.1946 йил 18 июлда Андижон район ижроия кўмитаси тавсияси билан «1941–1945 йилларда Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган [11].

Марипов Хожи – 1910 йили Ленин районидаги Мустаҳкам қишлоқ совети Ў.Юсупов номли колхозда деҳқон оиласида туғилган, уйғур, партиясиз. 1938–1941 йилларда Ў.Юсупов номли колхозда бухгалтер ёрдамчиси, 1941–1942 йилларда Ў. Юсупов номли колхоз бош бухгалтери, 1942–1945 йилларда Хилкова станциясида Фарҳод ГЭСи қурилишининг ваколатли вакили сифатида иштирок этган [11].

Мирзаев Қодиржон – 1903 йил Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз. 1938–1940 йилларда Москва шаҳри учун алоҳида тайёрлов масалалари бўйича Избоскан район истеъмолчилар бўлими етакчиси. 1940–1941 йилларда Андижон шаҳридаги Ў. Юсупов номидаги ошхона артели мудири, 1943–1944 йилларда Фарҳод ГЭСи қурилишида Избоскан районининг вакили бўлган [11].

Супиев Бўтабой – 1884 йил Ленин районидаги Ўзбекистон қишлоқ совети «Қаҳрамон» колхозида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз. 1940–1942 йилларда «Қаҳрамон» колхози раиси, 1942–1943 йилларда Хилкова станцияси Фарҳод ГЭСи қурилишида тайёрлов бўлими бригадири бўлиб ишлаган [11].

Турғунов Ғанижон – 1919 йил Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти тўлиқсиз ўрта. 1939–1942 йилларда Қизил Армия сафида бўлган. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, Бессарабия, Руминия ҳудудларида жангларда қатнашган. 1942 йил бошида қаттиқ ярадор бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1943–1944 йилларда Фарҳод ГЭСи қурилишининг Андижон областидаги ёрдамчи хўжалиги директори лавозимида ишлаган [11].

Фарҳод ГЭСи қурилиши масаласи бўйича Ўзбекистон КП(б) Андижон область партия комитети котиби Бакунинга Ўзбекистон КП(б) Марказий комитети кадрлар бўлими мудири ўринбосари Михайлиннинг 1943 йил 10 февралдаги 741-сонли хати билан танишар экамиз, бу улкан қурилиш ишида андижонлик меҳнаткашларнинг қай даражада иштирок этганлигига гувоҳ бўламиз. Унда айтилишича «Шу ҳақдаким, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети, Сиздан Фарҳод ГЭСи қурилиши бўйича қўшимча вазифалардан келиб чиқиб, тақсимот бўйича ажратилган автокадрларни белгиланган муддатларда сафарбар қилишни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилади» [12].

Иккинчи жаҳон уруши йиллари кўпгина қийинчиликларга қарамасдан барча «ўз давридаги энг йирик қурилишлардан бири бўлган Фарҳод ГЭСи қурувчиларига кўплаб асбоб-ускуналар етказиб бериш каби шарафли вазифани сидқидилдан бажардилар» [13. Б.334],

шу жумладан, андижонлик меҳнаткашлар ҳам «Халқ қурилиши» деб ном олган Фарҳод ГЭСи қурилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Тарихдан маълумки, хонликлар даврида «суғориш каналларини қазишда меҳнаткаш халқ оммасининг кучидан фойдалинар эди, барча ариқлар анъанавий «халқ ҳашари» билан барпо қилинган. Умуман, Шарқда суғориш ишлари «савобли иш» ҳисобланган, шунинг учун ҳам бу ишга халқни сафарбар қилиш анча осон кечган» [14. Б.25]. Совет ҳукумати ҳам ана шу анъанага кўра республикамизда қатор ишларни амалга оширган.

«Фарҳод ГЭСи қурилишига республиканинг ўзидан 8 минг куб метрдан кўпроқ ёғоч ва бошқа бинокорлик материаллари, 800 тонна металл, 110 мингдан ортиқ ҳар хил асбоб-ускуна, транспорт воситалари ишга солинди. Бундан ташқари, республикамиз меҳнаткашлари бу умумхалқ қурилишига 300 вагондан кўпроқ ҳар хил қурилиш материаллари ҳам юбордилар»[10.Б. 467].

Оғир уруш йилларида Бекобод металлургия заводи, Фарҳод ГЭСи, Оҳангарон кўмир кони, Қўқон суперфосфат заводи, Фарғона гидролиз заводлари қурилиши бошланди ва булардан бир қанчаси уруш йилларидаёқ ўз маҳсулотларини ишлаб чиқара бошладилар.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг Фарҳод ГЭСи қурилиши учун, юқорида кўрсатилганидек, Андижон областидан қўшимча тақсимот асосида автокадрларни ўз вақтида сафарбар қилиш жадвали қуйидагича белгиланган [12]:

№	Мутахассислик номи	Ҳаммаси	Разрядлар бўйича:							Сафарбар қилиш			Изоҳ
			1	2	3	4	5	6	7	февраль	март	апрель	
1	Токарлар	2	-	-	-	-	1	-	-	-	1	-	
2	Слесарлар	13	-	2	2	3	3	3	-	3	10	-	
3	Шофёрлар	58	6	12	40	-	-	-	-	-	-	58	
4	Вулканизаторлар	1	-	-	-	1	-	-	-	-	1	-	
5	Мисгар-тунукасоз	1	-	-	-	1	-	-	-	-	1	-	
6	Пайвандчилар	3	-	-	-	-	2	1	-	1	2	-	
7	Темирчи-бозғончи	1	-	-	-	1	-	-	-	1	-	-	
8	Бўёқчи-қопловчи	1	-	-	-	1	-	-	-	1	-	-	
9	Ойначилар	1	-	-	-	1	-	-	-	1	-	-	
10	Электриклар	1	-	-	-	-	1	-	-	-	-	1	
11	Аккумляторчилар	2	-	-	-	2	-	-	-	-	-	2	
12	Резинамонтажчилар	1	-	-	1	-	-	-	-	-	1	-	
3	Фрезеровкачилар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
14	Пармачилар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
15	Тарашловчилар	1	-	-	-	-	1	-	-	-	1	-	
16	Шлифовкачилар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
17	Карбюраторчилар	1	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	
18	Ювувчилар	1	-	1	-	-	-	-	-	1	-	-	
19	Мойловчилар	1	-	-	1	-	-	-	-	1	-	-	
20	Заправкачилар	1	-	-	-	1	-	-	-	1	-	-	
	Жами:	90	-	-	-		-	-	-	12	17	61	

Андижон области бўйича белгиланган тартибда район партия комитети котиблари ва район ижроия кўмиталари раислари Фарҳод ГЭСи қурилишига одамларни жўнатиш учун уларни қатъий текширувдан ўтказиш, меҳнатга лойиқ инсонларни сафарбар қилиш, уларнинг яшаш шароитлари, коммунал хизмат кўрсатиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юқоридаги мутахассисликлар бўйича юборилганлар орасида қурилишда турли ихтисосликлар бўйича қўшимча ишчилар тайёрлаш кенг авж олди. Колхозчиларнинг кўпчилиги тажрибали экскаватор машинистлари, шағал майдалаш заводининг машинистлари, кўтарма кран машинисти, слесарь, дурадгор, электр пайвандчи каби касбларни ҳам ўзлаштириб олдилар.

«ЎзКП(б) МК Андижон область партия комитети пропаганда бўлимининг 1943 йил 24 сентябрда Андижон шаҳрида ўтказилган очиқ партия йиғилишида меҳнаткашлар, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич партия ташкилотларининг котиблари Фарҳод ГЭСи қурилишига алоқадорлиги масалаларига эътибор қаратилди. Унда асосий эътибор 1943 йил 25 сентябрдан Фарҳод ГЭСи қурилишига ташкилот ва муассасалар томонидан юборилган 8750 нафар ишлаётганлар учун 475 нафар агитаторлар уруш даврида Фарҳод ГЭСи қурилишига ҳисса қўшиш орқали урушнинг тезроқ ғалаба билан якунланишига кўмаклашган бўламиз, мазмунидаги чақириқ билан чиқдилар. Бунга жавобан областнинг барча ташкилот ва муассасалари Фарҳод ГЭСи қурилиши учун ишлаб чиқариш маҳсулотлари режаларини муддатидан аввал бажаришни ўз зиммаларига олдилар.

Жумладан, Сталин номли завод жамоаси ойлик режани 29 октябрга қадар бажариш, яроқсиз маҳсулотга қарши курашиб, хом ашёни тежаб-тергаш ҳисобига 100 минг рубль иқтисод қилишларини;

Гўшт комбинати жамоаси Фарҳод ГЭСи қурилишига амалий ёрдам бериш учун 15 дона лопатка, 5 дона кетмон, 50 дона қошиқ ва вилка жўнатиш ва гўшт ишлаб чиқаришни халқаро стандарт даражасига чиқаришни таъминлаш;

Консерва заводи жамоаси октябрь ойи ишлаб чиқариш режасини 115 фоизга бажариш, ҳамда Фарҳод ГЭСи қурилишига 10 дона болға, 15 дона темир кесиш асбоби(зубило), 15 дона пақир, 200 дона чашка, 115 дона кружка ва 30 килограмм мих жўнатиш;

Володарский номидаги Андижон тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқариш кундалик меъёрини 2 фоиздан кам қилмасликка, 2500 метр хомашёни тежаб тергаш каби мажбуриятларини олиб қурилиш ишларида фаол иштирок этишга аҳд қилишди» [12].

«Андижон область ижроия қўмитаси ва область партия комитети ЎзССР ХКС ва ЎзКП(б) МКнинг 1943 йил 28 ноябрдаги қабул қилган қарори ижроси бўйича қарор қабул қилиб, унга кўра, Фарҳод ГЭСи қурилишида меҳнат қилаётганлар сафига қўшимча равишда 6000 нафар колхозчи юбориш. Колхозчиларни Фарҳод ГЭСи қурилишига олиб бориш бўйича тайёрлов ишларини ўтказиш район ижроия қўмитаси раислари ва ЎзКП(б) район комитети котиблари зиммасига юклатилди. Колхозчиларни Фарҳод ГЭСи қурилишига жўнатишни ҳар томондан тайёрлашни район ва колхозларда кенг қулоч ёйдириш район ижроия қўмиталари раисларига топширилди.

Қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш белгиланиб:

а) Фарҳод ГЭСи қурилишига юборилаётган колхозчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, кекса, касалманд, хомиладор ёки болалари ёш аёлларни зинҳор жалб этмаслик;

б) ишга юборилаётганларни пойабзал, иссиқ кийим-кечаклар ҳамда кўрпа-тўшаклар билан таъминлаш;

в) ишга юборилаётганларнинг ҳар бирига иккитадан қоп ва саватлар берилишини таъминлаш;

г) ишга юборилаётган колхозчиларни йиғиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ЎзКП(б) МК ва ЎзССР ХКСнинг 1946 йил 8 январдаги қарори асосида амалга ошириш» [15.Б.82–83] каби кўрсатмалар берилган эди.

Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага меҳнат фронтида жасорат кўрсатган, юксак инсонпаварлигини намойиш этган ўзбек халқининг сўзсиз хизмати бордир. Саксон йилга яқин вақт ўтибдики, бу меҳнат самарасиз кетмагани қуйидаги фикрлардан ҳам маълум бўлади.

«Тожикистон ва Ўзбекистон чегарасида жойлашган Фарҳод гидроэлектростанцияси XX асрнинг 40-йиллари ўрталарида - атиги 5 йил

ичида рус гидротехника муҳандиси ва меъмори Жозеф Каракиснинг лойиҳасига биноан жадал суръатларда қурилган.

Урушдан кейинги даврда Ўрта Осиёда қурилган кўплаб йирик саноат иншоотлари маҳаллий ишчиларни жалб қилиш ва қўл меҳнати устунлиги билан халқ қурилиши усули ёрдамида барпо этилди. 1944–1947 йилларда Фарҳод гидроэлектр станциясида тожикча «уран» Табошар шаҳрини қуришда бўлгани каби, бир неча юз немис ҳарбий асирлари меҳнати натижасида 1945 йилнинг кузида 3000 та япон ҳарбий асирлари, Квантун армиясининг собиқ аскарлари ва офицерлари ёрдамида амалга оширилган.

Ўзбекистондаги ҳарбий асирларнинг меҳнатидан фойдаланишни ўрганган тарихчилар ёзишича, ўзбекларнинг Бекобод аҳоли пунктида жойлашган меҳнатсевар ва интизомли японлар виждонан ишлаган, уларга энг масъулиятли қурилиш майдонлари ишониб топширилган. Японлар иложи борича ҳар доим маҳаллий аҳолига ёрдам берар эдилар, бу уларга Бекободнинг тожик ва ўзбек аҳолиси томонидан самимий ҳурматига сазовор бўлди.

Бекобод ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида 800 дан ортиқ ватандошларини дафн этган японлар ўз юртларига 1950 йилларда қайтиб кетишган. Улар ва маҳаллий аҳоли томонидан қурилган Фарҳод ГЭСи 1949 йилда 126 мегаватт қувватга эга тўлиқ қувват билан ишлай бошлади» [16].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги Фарҳод ГЭСи УКни модернизация қилиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 октябрдаги 827-сонли Қарори Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида Фарҳод ГЭСи муаммоси ҳал этилишида муҳим стратегик қадам бўлди.

Икки давлат ўртасида Фарҳод ГЭСи тўғонининг фаолият юритишини таъминлашга оид ҳамкорлик қилиш бўйича имзоланган Битим расмий Душанбе ва Тошкент ўртасида узоқ йиллардан бери бу борада мавжуд бўлган мунозарали муаммога нуқта қуйганлигидан далолат беради.

«Бугун мазкур объект Тожикистон ва Ўзбекистон учун муҳим стратегик иншоот ҳисобланади. Фарҳод ГЭСи Тожикистон шимолидаги 45 минг гектардан ортиқ ва Ўзбекистондаги 330 минг гектардан зиёд ерларнинг суғорилишини таъминлаб беради» [17].

Тожикистон Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазирининг биринчи ўринбосари Султон Раҳимзоданинг Фарҳод ГЭСига хизмат кўрсатиш ҳамда уни молиялаштириш Ўзбекистон томонидан амалга оширилса, уни қўриқлаш Тожикистон зиммасидадир, деган фикрлари, Фарҳод ГЭСи қурилишида ўзбек халқининг жумладан андижонликларнинг иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида олиб борган мардонавор меҳнат жасоратлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг стратегик аҳамиятини йўқотмаганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айганда, бирдамлик туйғуси заминида ватанпарварликнинг шаклланиб бориши Иккинчи жаҳон уруши даврида юртдошларимизнинг фронт орти ҳаракатлари, жумладан, Фарҳод ГЭСи қурилиши мисолида намоён бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эришилган ғалабада андижонликларнинг кўрсатган жасорати, фронт орқасидаги фидойи меҳнати, она-юртнинг муқаддас тупроғини асрашда кўрсатган фаол иштироки келажак ёшлар томонидан алоҳида ҳурмат ва таҳсинга лойиқ.

Адабиётлар:

1. *Зияева Д.Х*. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 256 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2021 йил 10 май.

3. *Бобожонова Д.Б*. Ўзбекистон меҳнаткашларининг ғалабага қўшган ҳиссаси // Китобда: Илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 131–133.

4. *Шамсутдинов Р.Т, Исҳоқов А.А*. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 592 б.

5. *Березняк Н.Г.* Жасоратнома. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1990. – 414 б.

6. *Бегматов И.А., Мухамедов А.Қ.* Ўзбекистон ирригацияси тарихи. – Тошкент: Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2008. – 147 б.

7. *Раззақов А*. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 301 б.

8. *Васильев Е.В.*, *Воскобойников* Э.*А.*, *Житов К.Е.* ва бошқ. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1964. – 604 б.

9. *Пославский В.В*. Вода для большого поля. – Ташкент: Фан, 1986. – 91 с.

10. *Шамсутдинов Р., Каримов Ш*. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). – Андижон: Матбаа, 2004. – 467 б.

11. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА). 608-фонд, 1а- рўйхат, 163, 280, 314, 389, 408, 542, 577 – ишларнинг, 1-3 варақлари.

12. ЎзР ПДА АОБ. 106-фонд, 1 - рўйхат, 326-иш, 2-варақ, 329-иш, 159 варақ.

13.*Турсунов С., Қобулов Э.* Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ: 2004. – 608 б.

14. *Жалилов С.* Худоёрхон. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – 60 б.

15. *Шамсутдинов Р., Сиддиқ Т., Хомидов Д*. Андижон вилояти иккинчи жаҳон уруши йилларида // Водийнома, 2019. – № 2(13). – Б. 82 – 83.

16. Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида Фарҳод ГЭСи ҳақида шартнома. https://tj.sputniknews.ru/20180112/farhadskaya-ges-proryv-tadzhikistan - uzbekistan-1024398890 (Мурожаат этилган сана: 26.02.21).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги Фарҳод ГЭСи УКни модернизация қилиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 октябрдаги 827-сонли Қарори. [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/ru/docs/3992844 (Мурожаат этилган сана: 06.02.21).

CONTRIBUTION OF ANDIZHAN PEOPLE TO THE CONSTRUCTION OF FARHOD HYDRO-ELECTRIC POWER STATION

A. Mamajonov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 14-22.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Hydroelectric power station, «People's construction", nationwide hashar, military economy, mobilization, frontline movements.

In the introductory part of the article, one of the topics not covered in the history of Uzbekistan in the Soviet era is the work of our compatriots behind the front during the Second World War, and in-depth study of this issue is one of the most important tasks facing our historians.

The period that left a terrible and painful mark in the history of mankind is the years of the Second World War. World War II radically changed all economic, socio-political and economic systems of Uzbekistan. A general mobilization was declared for the whole country on the occasion of the war. During this period, there were no Uzbek households that did not suffer from it. The courage shown by the real children of the Uzbek people on the front and behind the front serves as an example for many generations. The courage of the Andijan workers behind the front during the turbulent years of the war is commendable. In particular, his contribution to the construction of the Farhod HPS, called «People's Construction", his participation in the provision of manpower and the necessary materials are revealed on the basis of works of local scientists, periodicals and archival materials.

We can see such unparalleled selfless work of the Uzbek people, including the people of Andijan, in the construction of the Farhod hy-

droelectric power station. «It is one of the great, hard-working irrigation facilities built by the Uzbek people during the Second World War. Construction of the Farhod HPS began in February 1943. 70,000 collective farm builders from all regions of Uzbekistan took part in the construction. The earthworks were carried out under very difficult conditions.

In the article you will get acquainted with some of the representatives of Andijan, who, like hundreds of thousands of workers, have a deep understanding of the importance of electricity in the development of industry and the courage to work.

From February 1 to August 15, 1944 Shodmonov Yusupjon was the deputy head of the political affairs department of the right bank of the Farhod hydroelectric power station, Madamin Iminov worked as a senior brigadier in the construction of the Farhod hydroelectric power station from September 1943 to December 1944. He worked as a foreman in the construction department of Khilkova station, Maripov Khoji in 1942-1945 as an authorized representative in the construction of Farhod HPS in Khilkova station, Mirzaev Kodirjon in 1943-1944 as a representative of Izbaskan district in the construction of Farhod HPS According to archival materials, Turgunov Ganijon worked as a foreman of the preparatory department, in 1943-1944 he worked as an assistant director of the construction of Farhod HPS in Andijan region.

The article reveals the contribution of Andijan poeple to the construction of Farhod HPS on the basis of the analysis of relevant literature, periodicals, archival materials.

References:

1. Ziyaeva, D.X. (2021) *O‘zbekistonda harbiy ish tarixidan* [From the history of military service in Uzbekistan]. Tashkent: Sharq.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Xotira va qadrlash kuniga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi (20210 [Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Remembrance and Honour]. Xalq so‘zi, May 10.

3. Bobojonova, D.B. (1996) *O‘zbekiston mehnatkashlarining g‘alabaga qo‘shgan hissasi* [The contribution of the workers of Uzbekistan to the victory]. In: Proceedings of the scientific-theoretical conference. Tashkent: Fan. Pp. 131-133.

4. Shamsutdinov, R.T, Ishakov, A.A. (2013) *Andijon tarixidan lavhalar* [Excerpts from the history of Andijan].Tashkent: Sharq.

5. Bereznyak, N.G. (1990) *Jasoratnoma* [Courage]. Tashkent: O‘zbek sovet ensiklopediyasi.

6. Begmatov, I.A., Muxamedov, A.Q. (2008) *O‘zbekiston irrigatsiyasi tarixi.* [History of irrigation in Uzbekistan]. Tashkent: Tashkent irrigatsiya va melioratsiya instituti.

7. Razzaqov, A. (1994) *O‘zbekiston paxtachiligi tarixi* [History of cotton growing in Uzbekistan]. Tashkent: Uzbekistan.

8. Vasilev, E.V. (ed.) (1924) *O‘zbekiston Kommunistik partiyasi tarixining ocherklari* [Essays on the history of the Communist Party of Uzbekistan]. Tashkent: Uzbekistan.

9. Poslavskij, V.V. (1986) *Voda dlya bol’shogo polya* [Water for a vast field]. Tashkent: Fan.

10. Shamsutdinov, R., Karimov, Sh. (2004) *O‘zbekiston tarixidan materiallar.* (Uchinchi kitob) [Materials on the history of Uzbekistan (third book). Andijan: Matbaa.

11. Andijon viloyat davlat arxivi [Andijan Regional state archive. (ARSA)]. Fund-608, List-1a, Folding Volume-163, 280, 314, 389, 408, 542, 577, Pp.1-3.

12. PDA AOB of the Republic of Uzbekistan. Fund-106, List-1, Folding Volume-326, P-2; Folding Volume-329, P. 159.

13. Tursunov, S., Qobulov, E.Э. (2004) *Surxondaryo tarixi* [History of Surkhandarya]. Tashkent: Sharq.

14. Jalilov, S. (2014) *Xudoyorxon* [Khudoyorkhan]. Tashkent: Mumtoz so‘z.

15. Shamsutdinov, R., Siddiq, T., Khomidov, D. (2019) Andijon viloyati ikkinchi jahon urushi yillar-

ida [Andijan region during the Second World War]. *Vodiynoma.* No 2 (13). Pp. Б. 82-83.

16. Tojikiston va O‘zbekiston o‘rtasida Farhod GESi haqida shartnoma [Agreement between Tajikistan and Uzbekistan on Farhod HPS]. [Online]. URL: https://tj.sputniknews.ru/20180112/farhadskaya-ges-proryv-tadzhikistan-uzbekistan-1024398890 (date of access: 26.02.21).

17. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Sirdaryo viloyatining Shirin shahridagi Farhod GESi UKni modernizatsiya qilish investitsiya loyihasini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2018 yil 16 oktyabrdagi 827-sonli Qarori [Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 16, 2018, No. 827 ;On measures to implement the investment project for the modernization of Farhod HPS in Shirin, Syrdarya region’]. [Online]. URL: https://lex.uz/ru/docs/3992844 (Date of access: 06.05.21).

Муаллиф ҳақида маълумот:

Мамажонов Алишер – тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти. E-mail: mamajonov0505@mail.ru